

Андижон шаҳри

«30» апрель 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи **Андижон вилоят адлия бошқармаси** ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи бошлиғи **А.Дадажонов** бир томондан ва «Етказиб берувчи» деб аталувчи «**Адолат Равнак Қурилиш**» МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари **О.Насретдинов** иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома шартларига бошқармаси маъмурий биноси эски дераза ромларини янги русумдаги акфа пласт (6000 Quattro, PVH 9 распашная, Л.Алюкс Антрацит) ромларига алмаштириш «Буюртмачи» га бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) жорий нархларда умумий **111 391 560** (бир юз ўн бир миллион уч юз тўқсон бир минг беш юз олтмиш) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлиmidан рўйхатга олингандан сўнг 10 банк иш кунида «Буюртмачи» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини яъни **33 417 468** (ўттиз уч миллион тўрт юз ўн етти минг тўрт юз олтмиш саккиз) сўмни, олдиндан аванс тариқасида «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 фоизи, яъни **77 974 092** (етмиш етти миллион тўққиз юз етмиш тўрт минг тўқсон икки) сўмини «Етказиб берувчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 15 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. «Буюртмачи» охириги тўловни «Етказиб берувчи» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш — топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 15 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Етказиб берувчи»нинг мажбуриятлари;

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 3 кун муддат ичида ишларни бажаришга киришади ва 10 кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «Етказиб берувчи»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета буйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Етказиб берувчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тугриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Етказиб берувчи»дан шартномада кўрсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Етказиб берувчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Етказиб берувчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар бадосининг 50 % дан ошмаслиги керак.

4.3. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

V.ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI.ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўли билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иктисодий суд орсали хал этилади.

VII.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ МАЪЛУМОТЛАРИ.


«Етказиб берувчи»

“Адолат равнақ қурилиш” МЧЖ
Андижон ш. А. Юлдашев 10 уй
Телефон: +99890 385-20-02
Х/р: 20208000500304029001
АТБ “ЎзПромстройбанк” мин. Фил.
ИНН: 302 919 854 ОКОНХ: 61 110
МФО: 000 75

«Буюртмачи»

Андижон вилоят адлия бошқармаси
Манзил: Анд. шах. Ш.Рашидов 60-уй
Х/р: 401021860034017033602009003
ЎзР Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна ҳисоб-варағи:23402000300100001010
СТИР: 201122919, МФО: 00014
Банк номи:Марказий банк Тошкент ш.ХККМ
СТИР (ИНН): 200237743

Рахбар:  О.Насретдинов



Рахбар:  А.Дадажонов



Ҳуқуқшунос :

М.Ахматохунов